

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2017
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Х.ҚОСИМОВ, Н.ИКРАМОВА

Ядросида Мейер функцияси қатнашган каср тартибли интегродифференциал операторлар композициясининг бир хоссаси ҳақида 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

А.МИРЗАҚУЛОВ, Х.ШЕРМАТОВА, З.МУҚИМОВА

Физика ўқитувчисининг таълимга инновацион ёндашуви 8

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Д.КОМИЛОВА

Барг ўровчи кўнғизлар (Coleoptera: attelabidae)нинг тарқалиши ва қисқача ўрганилиш босқичлари 12

М.АҲМАДАЛИЕВ

Дифурфурилиденацетоннинг олигомерланиши.-I. 15

М.ИСМОИЛОВ, Х.ЖУРАЕВ

Қовушқоқликни оширувчи кўндирмалар олиш 20

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

В.МАХМУДОВ

Кўп йиллик бошоқдош ўсимликларни Ўзбекистон адирларида интродукция қилиш 24

М.ҒОЗИЕВ

Беда остига солинган ҳар хил органик-кимёвий моддаларнинг тупроқдаги микробиологик жараёнларга таъсири 27

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҒАФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА

Қўшилган қийматни қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида шакллантириш хусусиятлари 30

О.ТҮЙЧИЕВА

Тўқимачилик корхоналарида лизинг муносабатларининг ривожланиш тенденциялари 33

Қ.ЮСУПОВ

Суғуртанинг бозор иқтисодиётидаги афзаллиги ва самарадорлиги 36

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ

Ўзбекистонда таълим тизимининг тараққиёти ва самарадорлиги..... 40

Б.ТҮЙЧИЕВ, У.НАЗИРОВ

Фуқаролик жамиятига ўтиш шароитида оилавий қадриятларнинг ўрни 45

Н.ПУЛАТОВА

Аҳолининг ижтимоий фаолиятида экологик маданиятни шакллантириш масалалари 49

Ф.ЮЛДАШЕВ

Фалсафада этика фанини ўқитишнинг назарий ва амалий масалалари..... 52

Н.РАҲИМБАБАЕВА

Донишмандлар масъулият ҳисси ҳақида 55

М.ЭРГАШЕВА

Совет ҳокимияти даври (1919-1945 йй.)да архив ҳужжатларини жамлаш 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.АБДУРАҲМОНОВ

Кўёш образи ва унинг поэтик функцияси 63

ТИЛШУНОСЛИК

С.ҚУРБОНОВА

Лингвистик воситалар орқали шахс хусусиятларининг намоён бўлишига доир 66

УДК: 4/415.6

ЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР ОРҚАЛИ ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИГА ДОИР

С.Қурбонова

Аннотация

Ушбу мақолада тил ва унинг ижтимоий вазифалари ҳақида фикр юритилган. Бадиий асар тилидан олинган мисоллар ёрдамида фонетик, морфемик, лексик ва синтактик воситалар орқали шахс хусусиятларининг намоён бўлиши кўрсатиб берилган.

Аннотация

В данной статье рассматриваются язык и его социальные задачи. Фонетические, морфемные, лексические и синтаксические средства проявления свойств личности раскрыты при помощи примеров, взятых с литературных произведений.

Annotation

Language and its social functions is considered in this article. Appearance of personal abilities are presented through examples of phonetic, morphemic, lexic and syntactic means taken from prose language.

Таянч сўз ва иборалар: ижтимоий вазифа, прагмалингвистика, шахс хусусиятлари, характер белгилари.

Ключевые слова и выражения: социальная задача, прагмалингвистика, личностные особенности, признаки характера.

Key words and expressions: social function, pragmlingvistic, personal abilities, character features

Инсонда онгнинг мавжудлиги унда сўзлаш, фикрларини нутқ орқали ифода этиш имкониятини юзага келтирган. Нутқий фикр алмашиш, мулоқот эса тил бирликлари воситасида амалга ошади.

Тил ўз табиатига кўра объектив борлиқда мавжуд предмет, ҳолат ва жараёнларни аташ вазифасини бажаради. Аммо тил ва ундан фойдаланишда инсон ўз рухий олами, тафаккур даражаси, қисқа қилиб айтганда, ўз қиёфасини ифода этади.

Тилнинг ижтимоий вазифалари қаторида коммуникативлик, экспрессивлик ва аккумулятивлик энг муҳим ҳисобланади. Яъни, тил жамиятда кишиларнинг ўзаро алоқа воситаси, ҳис-ҳаяжон, завқу шавқ туйиш ва муайян халқ, миллат, жамият кишиларини маънавий жиҳатдан бирлаштирувчи восита саналади. Шу билан бирга тил ўзлаштирилган билим, кўникма ва тажрибалар асосида сўзловчига кенг имкониятлар яратади.

Ўзбек тилшунослигида прагмалингвистика масалалари билан жиддий шуғулланиб келаётган олим Ш.Сафаров тилнинг жамиятдаги ўрнини

кўрсатиб беришда немис тилшунос олими К.Бюллер фикрларини келтирар экан, олимнинг қуйидаги уч вазифани энг муҳим, деб белгилаганини таъкидлайди:

1) предмет ёки ҳодисанинг ифодаланиши, тасвири, баёни (Darstellung – “баён, тасвир”);

2) ахборот узатувчининг шахсий хусусиятларини ифодалаш (Ausdruck – “ифодалаш, экспрессивлик”);

3) ахборотни қабул қилувчига таъсир кўрсатиш ва унинг хатти-ҳаракатини бошқариш (Appell – “мурожаат”) [2.60].

Мазкур таснифда гувоҳ бўлганимиздек, К.Бюллер тилнинг вазифаларини белгилашда ундан фойдаланувчиларни асосий диққат марказига қўяди. Аммо таснифнинг туб моҳиятида коммуникативлик, экспрессивлик ва аккумулятивлик вазифаларига ишора мавжудлиги сезилиб туради. Шунингдек, таснифда сўзловчи ва тингловчи шахс билан алоқадорлиги масалаларига асосий эътибор қаратилганлиги, айниқса, замонавий тилшунослик масалаларида унинг илмий қимматини оширади. Бу ўринда

ундаги иккинчи ва учинчи вазифалар, айниқса,

С.Қурбонова – ФарДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси.

ТИЛШУНОСЛИК

эътиборлидир. Бугунги кунда майдонга келган ва ривожланиб бораётган замонавий тилшунослик йўналишлари асосан тилнинг прагматик жиҳатини ёритишга қаратилган бўлиб, нутқий жараёнларни таҳлил қилишда антропоцентрик назария асосида ёндашув, психоллингвистик, социоллингвистик, лингвокультурологик, этнолингвистик ва бошқа шу каби тилнинг ижтимоий жиҳатларини ёритиш - ахборот узатувчи, яъни сўзловчининг шахсий хусусиятларига ва ахборот қабул қилувчига таъсири, яъни танланган тил бирликлари шакллар орқали унга тушунарли бўлган тарзда маълумот етказиш ва айна пайтда унинг когнитив билимларини шакллантириб боришдан иборат бўлади.

Таснифда тилнинг вазифаларини белгилашда унинг прагматик жиҳатига урғу берилган. Ахборот узатувчи шахсий хусусиятларининг ифодаланишида тил бирликлари шундай даражага кўтарилдики, унда шахснинг ўй-кечинмалари, тарихи, келиб чиқиши, ижтимоий белгилари, характери, темпераменти, хулқ-атвори, ёши, касбий хусусиятлари ва бошқа қатор белгилари намоён бўлади.

Бунда маълумотларни етказувчи воситаларни сатҳлараро таснифлаш мумкин:

1. Фонетик воситалар орқали.

Фонетик воситалар асосан шахс нутқига хос диалектал белгиларни намоён этади. “Ҳар бир диалектнинг ўзига хос фонетик қонуниятлари мавжуд. Шунинг учун ҳам у ёки бу шева вакили адабий тилдаги сўзларни ҳам ана шу қонуниятларга бўйсунган, амал қилган ҳолда талаффуз қилади. Талаффуздаги ана шундай шевага хос фарқларнинг бадиий асар тилига киритилиши авторнинг образни, персонажни индивидуаллаштириш, турмуш, ижтимоий муҳит, турли шароитларни бадиий ишончли ва этнографик аниқ, реал тасвирлаш каби мақсадларни узвий боғлаган бўлади. Сўзлар талаффузидаги бундай минимал ўзгариш ва фарқлар бадиий асарда жуда катта экспрессив вазифани бажаради. Шевадаги бу фарқли қўллашлар, яъни фонетик

диалектизмлар, асосан, персонаж нутқида қўлланади” [1.28].

Бу бирликларнинг қўлланилишида сўз шакллари фонетик жиҳатдан эркин ўзгартишлар билан берилади. Ушбу шакллар қаҳрамоннинг қайси ҳудуддан эканлиги, баъзан қайси уруғ ёки элатга хослигини ҳам билдиришга хизмат қилади. Масалан:

–*Биз томонларда қарақчи жўқ эди-ку.*

Бу товларда игна ҳам жўқолмайди.

Эчкиларни орасида ҳайт-ҳайт деб юрган йигитча чолнинг олдига келди.

–*Уловларни товга ҳайдайми?*

–*Шошма, болам. Манов меймонга томоқ бер.*

Йигитча заранг товоқда эт олиб келди.

... *Чол чўпон йигитга қаради.*

–*Улим, жўқ дема. Бир пусрмон боласи экан. Пат-патингни миниб, пастга тушиб чиқ. Шай ҳам ол, қанд ол.* (“Жимжитлик”, 52-бет)

Асардан келтирилган парчада шевага хос белгилар кўп қўлланилган. Сўзловчи (чол) тилида “ж”ловчи (*жўқ, жўқолмайди*), бундан ташқари *тов (тоғ), меймон (меҳмон), шай (чой)* шевага хос фонетик ўзига хосликлар кузатилади. Матнда фонетик белгиларга нисбатан энг характерли сўз шакли *пусрмон* бўлиб, унда сўзловчининг шевага хос хусусиятлари, катта ёшда эканлиги белгилари билан биргаликда акс этади. Бундан ташқари лексик бирликлар (*овқат* ўрнига *томоқ, мотоцикл* ўрнига *пат-пат*) қўлланилишида ҳам сўзловчининг шахс хусусиятларини очиқ беришга хизмат қилган.

Фонетик воситалар ёрдамида хусусият ифодалаш кўпинча бошқа тилдан ўзлашган сўзларда учрайди.

–*Гаражни менга улаб бер. Ўзим гаплашаман...*

Рақия анча пайтгача қитирлаб, гувиллаб турди. Кейин хотинчалиш овоз келди:

–*Гараж жужурниги эшитди...* (“Жимжитлик”, 41-бет)

Матнда шахс хусусиятини кўрсатишда вербал ва новербал воситалар қўлланган. Рус тилидан ўзлашган *дежурний* сўзининг фонетик ўзгаришга учраган ҳолда (*жужурниг*) қўлланганлиги вербал восита саналса, сўзловчининг овозига нисбатан *хотинчалиш* сифатловчисининг қўшиб ишлатилиши унда (сўзловчида) билим ва савия ўрта даражада эканлиги, оддий халқ вакили эканлиги ҳамда бундан ташқари раҳбар (совхоз раиси) билан суҳбатлашишнинг салобати босганлигига ишора қилади.

2. Морфем бирликлар ёрдамида.

Баъзан ўз қатламга оид лексемага ўзга тилдан олинган морфем қисм қўшилиши кузатилади. Бундай шакл орқали ҳам сўзловчи шахсининг баъзи қирралари аниқланади. Масалан:

Нурмат тоға индамай ичкарига кириб кетди. Унинг бу хил муомаласидан жаҳли чиққан Расулбек орқасидан ичкарига кирди.

–*Бу қанақаси бўлди, бобойка...*

Нурмат тоғанинг кўзларидан ўт чақнаб кетай деди.

–*Оғзингга қараб гапир. Ўша сен билган ўрисчани мен ҳам биламан, “бобойка” деганинг нима деганинг?* (“Жимжитлик”, 27-бет)

Бу парчада қўлланилган *бобойка* сўз шаклига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг етакчи морфема қисмида мавжуд бўлган *бобо* қисми ўз қатламга оид бўлса, унинг кўмакчи морфема қисми рус тилидан ўзлашган суффикс табиатли қўшимчадир.

–*Қани, энди ўзингиз хозьякалик қиласиз,-дея оёғини кўрсатди Мирвали.- Инвалид бўлиб қолдим.* (83-бет)

Бу ўринда ўзлашган қатламга оид етакчи морфема қисми(*хозьяка*)га ўз қатламга оид кўмакчи морфема (*-лик*) қўшилиб, ярим калькалаш усулига асосланиб, янги сўз шакли ҳосил қилган.

3. Лексик воситалар орқали.

Ўзлашма сўзлардан бадиий асар тилида фойдаланиш орқали адиб қаҳрамоннинг характер жиҳатларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Ўзлашма сўз шакллари асосан лексик сатҳга оид

бирликлар ёрдамида кўзга ташланади. XX аср ўзбек адабиёти намуналарида асосан рус тилидан ўзлашган сўзларнинг нисбатан фаоллиги сезилади. Нутқда ўзлашма сўзларни қўллашнинг икки хил ҳолати мавжуд бўлиб, бунда сўз-шакл адабий тилга маълум қоидалар асосида қабул қилинган бўлиши ёки адабий тилда эквиваленти бор бўлган ҳолда ўзлашма сўз шаклидан фойдаланиш кузатилади. Нутқда бундай сўзларни қўллаш қаҳрамонлар характерини очиб беришга ёрдам беради. Бунда биринчи ҳолатда тилнинг психоллингвистик табиати ёки бадиий асар тилининг услубий жиҳатлари баҳоланмайди. Иккинчи ҳолатда эса адабий тил нормаларига кирмаган сўз шаклини нутқда қўллаш орқали қаҳрамоннинг шахс хусусиятлари очиб берилади. Масалан:

–*Овқат-повқатинг борми?*

–*Бор, бор. Сузиб чиқайми?*

– *Давай!* - деди Мирвали.
 (“Жимжитлик”, 185-бет).

Парчада келтирилган нутқий фаолият таркибида қўлланилган “*давай*” сўз шакли сўзловчининг ўзига ишонганлиги, бироз манмансирагани ва буйруқ беришга ўрганганлигидан далолат беради.

Баъзи ўринларда эса ўзлашма сўзлар сўзлашув услубига жудаям мослашиб, фаоллашиб кетганлигидан сўзловчиларнинг соддадил ва одми кишилар эканини кўрсатиш учун ҳам ишлатилди. Масалан:

Атрофдаги усталар Долимбойга қараб илжайишди:

–*Бор, борақол, очеретинг келди.* (148-бет)

Семон йўлканинг нарёғига ҳаво ранг “Волга” келиб тўхтади. (26-бет)

Баъзан эса ўзлашма сўзлар интернационал ва варвар вариантда аралаш ҳолда қўлланилиб, сўзловчи шахснинг кўча кўрган, ўзига ишонган ва руслашган характерда эканини ҳам кўрсатишга хизмат қилади. Масалан:

–... *Анави Расулбек менга ўтиришмади.*

–*Аферист у. Ёмонам шайтон одам. Любойини алдайди. Баъзи бир дефицит*

ТИЛШУНОСЛИК

запчастларни топишга ёрдам бериб туради, деб ёнимга олганман. Аммо-лекин, суврат олишга ёмонам уста-да! Пойтахтдан келган фоточилар ҳам унга тан беришади. Дом културада виставка очган. Шунини ўрнига сени мўлжаллаганман. Бир ишлаб берасан. (“Жимжитлик”, 30-бет)

Матнда берилган *аферист, любой, дефицит, запчаст, фоточи, дом култура* лексемалари ўзбек тилида эквиваленти (*ёлғончи//алдамчи//фирибгар, ҳамма//ҳар қандай, тақчил//танқис, эҳтиёт қисм, расмчи//сураткаш, маданият уйи*) мавжуд бўла туриб, атайин ўзлашмалар тарзида қўлланилган. Бу билан матнда қаҳрамоннинг шахс хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилинган.

4. Синтактик воситалар орқали.

Синтактик воситалар нисбатан қатъийлашган қоидалар асосида қўлланилиши боис уларда ўзгаришлар кам кузатилади.

Опой бош кўтариб унга қаради.

–Ну, синга қизиқ што ли? – деди у ҳайрон бўлиб. (70-бет).

–Менга қаранг, битта рўмолни неча кунда тўқиб битказасиз?

Опой бироз ўйланиб туриб жавоб қилди:

–Ну, бўш вақтимга қорий. Сплошной заниматса итсам, икки кунда бир рўмол бита.

Бу ўринда сўзловчи характерида кеккайиш ёки ўз тилида эмас, бошқа тилда сўзлашга мойиллик йўқ, балки у ўзи бошқа миллат вакилидир. Демак, ўзлашмаларнинг психоллингвистик хусусиятлари турли ўринларда турлича бўлади. Бу ўринда ёзувчи нутқ кўриниши орқали психологик белги ифодалаш мақсади акс этмаган, балки ўқувчига янги ахборот, яъни у(опой)нинг ўзбек миллатидан эмаслиги, бошқа миллат вакили эканини етказишни назарда тутган.

Кўриб ўтганимиздек, тил воситаларини қўллаш ахборот беришдан ташқари шахс белгилари ва хусусиятларига ҳам ишора қилади. Бундан ташқари, нутқий жараёнларнинг ташкилланиши шу тил вакилларига хос характер белгиларини ҳам очиб беради. Бунда тил воситаларини лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш билан бирга бошқа ижтимоий белгиларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Адабиётлар:

1. Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Т.: Фан, 1981.
2. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т., 2008.

(Тақризчи: М.Ҳакимов, филология фанлари доктори).